IX.ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Қашқадарё вилояти ташқи савдо айланмаси 2019 йилнинг январь-сентябрида 612,5 млн. АҚШ долларни, жумладан экспорт 261,5 млн. АҚШ долларни, импорт 351,0 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

Ташқи савдо сальдоси -89,5 млн. АҚШ долларни, шу жумладан МДҲ давлатлари билан 171,3 млн. АҚШ долларни ва бошқа давлатлар билан 441,2 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

Қашқадарё вилоятининг ташқи савдо айланмаси
(2019 йил январь-сентябрь)

	млн. АҚШ доллари	*2018 йилнинг январь-сентябрига нисбатан, % ҳисобида*	*жамига нисбатан улуши, % ҳисобида*
Ташқи савдо айланмаси	**612,5**	**118,9**	**100,0**
МДҲ давлатлари	171,3	130,4	28,0
бошқа давлатлар	441,2	114,9	72,0
Экспорт	**261,5**	**124,0**	**100,0**
МДҲ давлатлари	92,9	130,2	35,5
бошқа давлатлар	168,6	120,8	64,5
Импорт	**351,0**	**115,3**	**100,0**
МДҲ давлатлари	78,4	130,7	22,3
бошқа давлатлар	272,6	111,6	77,7
Сальдо	**-89,5**	**х**	**100,0**
МДҲ давлатлари	14,5	х	-16,2
бошқа давлатлар	-104,0	**х**	116,2

МДҲ ва бошқа давлатларнинг Қашқадарё вилоятини ташқи савдо айланмасидаги улуши
(январь-сентябрь)



Қашқадарё вилоятининг 2019 йил январь-сентябрь ойларида ташқи савдо айланмасидаги улушининг 28,0 %и МДҲ давлатларига тўғри келади қолган 72,0 % бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келди. Бу кўрсаткичлар 2018 йилда мос равишда 25,5 %и МДҲ давлатларига тўғри келган бўлса, қолган 74,5 % бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келди. Қашқадарё вилоятининг МДҲ давлатлари билан олиб борилган ташқи савдо айланмаси 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида 171,3 млн. АҚШ долларни ташкил қилган бўлса, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 130,4 % кузатилган. Шундан экспорт 130,2 % ни ташкил қилган бўлса, импорт 130,7 фоизга етди.

МДҲ давлатлари орасида Қозоғистон, Россия, Тожикистон, Қирғизистон давлатлари ташқи савдо айланмасида асосий ҳамкорлар ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 23,9 % ни ташкил қилади, бошқа давлатлар орасида Хитой, Туркия, Эрон, Афғонистон, Индонезия, Покистон, Чехия ва Польша давлатлари ҳисобланади.

Қашқадарё вилояти ташқи савдо айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар, фоизда
(2019 йил январь-сентябрь)



Қашқадарё вилоятининг 2019 йил январь-сентябрь ҳолатига ташқи савдода энг асосий ҳамкор давлатлари Хитой (28,8 %), Қозоғистон (10,1 %), Туркия (9,4 %), Россия (9,4 %) ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 57,7 % ни ташкил қилади.

Дунёдаги мамлакатлар орасида экспортда ҳамкор давлатлар Туркия, Эрон, Хитой, Қозоғистон, Россия, Тожикистон ҳисобланиб, уларнинг жами экспортдаги улуши 80,9 % ни ташкил қилади, импортда эса ҳамкор давлатлар Хитой, Литва, Россия, Қозоғистон ва Корея давлатлари ҳисобланади, ҳамда уларнинг улуши 71,6 % ни ташкил қилади.

Қашқадарё вилояти ташқи савдо айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар

(2019 йил январь-сентябрь)

Давлат номи	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт	Ташқи савдо айланмаси	
				улуши, %	Ўзгариш сурати, %
Хитой	176627,6	40789,4	135838,2	28,8	155,3
Қозоғистон	61600,8	35027,6	26573,2	10,1	178,3
Россия	57805,6	26787,3	31018,3	9,4	98,0
Туркия	57486,8	47980,8	9506	9,4	145,3
Эрон	47458,7	45027,9	2430,8	7,7	3,3 м.
Литва	31949,1	482,4	31466,7	5,2	37,0 м.
Корея	27115,0	957,3	26157,7	4,4	27,2
Тожикистон	16687,1	15837,7	849,4	2,7	78,2
Афғонистон	12051,6	12028,0	23,6	2,0	172,2
Украина	12531,5	3330,0	9201,5	2,0	125,3
Германия	10749,7	6,0	10743,7	1,8	130,3
Индонезия	10782,3	10750,3	32,0	1,8	46,9
Қирғизистон	10140,8	10031,7	109,0	1,7	3,8 м.
Туркманистон	7879,3	748,5	7130,8	1,3	449,9
АҚШ	7992,2	16,7	7975,5	1,3	163,2
Япония	6036,1	16,2	6019,9	1,0	51,8
Гонгконг	5406,9	-	5406,9	0,9	193,0
Франция	4508,6	-	4508,6	0,7	3,1 м.
Ҳиндистон	4163,1	208,1	3955,0	0,7	82,2
Швейцария	4361,0	-	4361,0	0,7	5,9 м.
Беларуссия	3885,7	342,7	3543,0	0,6	2,7 м.
Покистон	3624,7	3184,1	440,6	0,6	86,3

Давлат номи	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт	Ташқи савдо айланмаси	
				улуши, %	Ўзгариш сурати, %
Словения	3403,4	-	3403,4	0,6	-
Италия	2347,2	-	2347,2	0,4	20,6
Латвия	2752,0	276,2	2475,8	0,4	38,7
Канада	1587,2	2,5	1584,6	0,3	116
Эстония	2114,3	-	2114,3	0,3	74,4
Исроил	1899,0	2,4	1896,6	0,3	5,5 м.
Сингапур	1687,4	591,2	1096,2	0,3	62,3
Чехия Республикаси	1434,6	1064,1	370,5	0,2	105,8
Венгрия	1087,3	-	1087,3	0,2	63,2 м.
Малайзия	1184,2	1184,2	-	0,2	7,6 м.
Нидерландия	1401,7	-	1401,7	0,2	2,3 м.
Филиппин	1048,8	1048,8	-	0,2	-
Польша	1468,8	842,6	626,2	0,2	2,7 м.
Аргентина	742,7	-	742,7	0,1	138,6
Австралия	476,0	-	476,0	0,1	-
Австрия	587,9	-	587,9	0,1	86,8

Қашқадарё вилоятининг экспорт таркибида товарлар ва хизматлар гуруҳлари бўйича ўсиш кузатилган. Озиқ овқат маҳсулотлари экспорти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 83,9 фоизни, энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари 2,8 фоизга ўсган.

Импорт таркибининг умумий ҳажмидан 63,9 фоизини машина ва асбоб-ускуналар, 12,1 фоизини кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ташкил қилади.

Экспорт ва импорт таркиби	*Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида*		*2018 йил январь-сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида*
	2018 йил январь-сентябрь	*2019 йил январь-сентябрь*	
Экспорт таркиби	**100,0**	**100,0**	**124,0**
Пахта толаси	23,0	19,7	106,3
озиқ-овқат маҳсулотлари	11,4	26,0	2,8 м.
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	24,0	18,2	94,2
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	9,3	7,7	102,8
қора ва рангли металлар	-	-	-
машина ва ускуналар	-	0,6	-
хизматлар	3,4	1,9	68,9
бошқалар	28,9	25,9	110,8
Импорт таркиби	**100,0**	**100,0**	**115,3**
озиқ-овқат маҳсулотлари	3,7	3,8	118,3
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	9,2	12,1	152,0
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	0,3	1,7	7,0 м.
қора ва рангли металлар	19,8	4,5	26,3
машина ва ускуналар	58,2	63,9	126,5
хизматлар	0,9	0,1	8,0
бошқалар	7,9	13,9	2,0 м.

Хизматлар экспорти таркиби, %



Товар ва хизматлар экспорти 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида 261,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди, шундан: хизматлар экспорти 4,9 млн. АҚШ долларини ёки ташкил этди ва жами экспорт ҳажмининг 1,8 % ини ташкил қилди.

Хизматлар импорти таркиби, %